




2023



**Нобанк
кредит ташкилотларининг
молиявий ҳолати тўғрисида
ШАРҲ**

2023 йил 1 апрель ҳолатига

Кредит ташкилотлари пруденциал
назорати департаменти

Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисида шарҳ

2023 йил 1 апрель ҳолатига

2023 йилнинг I чораги давомида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш хажмларида ўсиш тенденцияси давом этди.

I. Нобанк кредит ташкилотлари (НКТ) сони


Мазкур давр давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **1 та** ломбард ташкил этилган бўлса, **1 та** ломбард ва **2 та** микромолия ташкилотлари реестрдан чиқарилди.

Натижада, нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга **165 тани**, шундан микромолия ташкилотлари **83 та** ва ломбардлар **81 тани** ташкил этди.

Худудлар кесимида Тошкент шаҳри (77 та), Фарғона вилояти (22 та), Бухоро вилояти (15 та), Тошкент вилояти (13 та) ва Андижон вилоятида (9 та) энг кўп ташкил этилган нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритмоқда.

1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони




II. Нобанк кредит ташкилотларининг активлари

Нобанк кредит ташкилотлари активлари йил бошига нисбатан **10 фоизга** ортиб, 2023 йил 1 апрель ҳолатига **4,8 трлн** сўмни ташкил этган. Активларнинг ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **8 фоизга** ошиши билан изоҳланади.


Хусусан, **микромолія ташкилотлари** активлари **18 фоизга** (357 млрд сўмга) ўсиб, **2 353 млрд** сўмга ва **ломбардлар** активлари **7 фоизга** (19 млрд сўмга) кўпайиб, **279 млрд** сўмга етган. Активлар ҳажмининг ўсиши асосан, кредитларнинг микромолія ташкилотларида **307 млрд** сўмга ва ломбардларда **16 млрд** сўмга ўсиши ҳисобига юзага келган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг жами активлари **3 фоизга** (62 млрд сўмга) ўсган ҳолда, **2,1 трлн** сўмни ташкил этган (бунда кредитлар ҳажми ўзгаришсиз қолган).

2-чизма
НКТ активлари миқдори, млрд сўмда



3-чизма
НКТ кредит қолдиғи, млрд сўмда



а) Нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш амалиёти


Жорий йилнинг I чораги давомида микроолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми **1,5 трлн сўм** доирасида бўлиб, 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига жами молиявий хизматлар қолдиғи (2,3 трлн сўм) **16 фоизга**, хусусан, **микроолия ташкилотлари** кредит қўйилмалари қолдиғи (2,1 трлн сўм) 17 фоизга ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (231 млрд сўм) 7 фоизга ўсган.

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслари қолдиғи **1,9 трлн сўм** доирасида шаклланган.

2023 йил 1 апрель ҳолатига барча нобанк кредит ташкилотларининг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** йил бошига нисбатан **8 фоизга** кўпайиб, **4,2 трлн сўмни** ёки барча кредит ташкилотлари умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **1 фоизни** ташкил этган.

4-чизма


НКТ кредит қўйилмалари қолдиғи (млрд сўм) ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши



Нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар қолдиғи йил бошига нисбатан 5 фоизга ортиб, **2 050 млрд** сўмга, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар қолдиғи деярли ўзгаришсиз (60 млрд сўм) ҳамда лизинг хизматлари ҳажми эса 3 фоизга ошиб, **2,5 млрд** сўмга етган.

5-чизма


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд сўмда



б) Нобанк кредит ташкилотларининг муаммоли кредитлари

2023 йил 1 апрель ҳолатига микромолия ташкилотлари кредит қўйилмаларининг **96 фоизи** “стандарт”, **2,4 фоизи** “субстандарт”, **0,5 фоизи** “шубҳали” ва **0,9 фоизи** “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган.

6-чизма




Нобанк кредит ташкилотлари муаммоли кредитлар (NPL 90+) йил бошига нисбатан 12 фоизга (5 млрд сўмга) кўпайиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **46 млрд сўмни** ёки жами кредит қўйилмаларидаги улуши **2 фоизни** ташкил этган.

Хусусан, муаммоли кредитлар (NPL 90+) **микромолия ташкилотларида** 15 фоизга ёки 3 млрд сўмга ортган бўлса (қолдиғи 29 млрд сўм), **ломбардларда** эса 7 фоизга ёки 1 млрд сўмга ўсган (қолдиғи 17 млрд сўм).

7-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг муаммоли кредитлари ҳажми (млрд сўм) ва кредит қўйилмаларидаги улуши



III. Нобанк кредит ташкилотларининг мажбуриятлари ва капитали


а) нобанк кредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари йил бошига нисбатан 11 фоизга ошиб, **3,2 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, **микромолия ташкилотлари** мажбуриятлари 28 фоизга ошиб, 1 203 млрд сўмни, **ломбардларда** 21 фоизга кўпайиб, 36 млрд сўмни ташкил этган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида** 3 фоизга ортган ҳолда 1 985 млрд сўмга етган.

Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг 8 фоизга (219 млрд сўмга) ошиши асосий омил бўлган.


Маълумот учун: Банклар томонидан микромолия ташкилотлари ва ломбардларга ажратилган кредитлар қолдиғи 1,3 баробарга ортиб, мос равишда 562 млрд сўм ҳамда 6 млрд сўмни ташкил этган. Шунингдек, халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар микромолия ташкилотларида 1,3 баробарга ўсиб, 108 млрд сўм ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотидида 1,6 трлн сўм доирасида бўлган.

б) микромолия ташкилотларининг жами капитали 9 фоизга ва ломбардларда 5 фоизга ошиб, мос равишда 1 150 млрд сўм ҳамда 243 млрд сўмни ташкил этган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотидида 5 фоизга кўпайиб, 144 млрд сўмга етган.

8-чизма
НКТ жами мажбуриятлари динамикаси
млрд сўмда



9-чизма
НКТ жами капитали динамикаси
млрд сўмда



Нобанк кредит ташкилотлари жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг **64 млрд** сўмга ва тақсимланмаган фойдасининг **375 млрд** сўмга ошиши ҳисобига тўғри келган.

Маълумот учун: нобанк кредит ташкилотлари таркибида чет эл маблағлари иштирокидаги ташкилотлар сони ҳисобот санасига 11 тани ташкил этган.

IV. Нобанк кредит ташкилотлари даромадлиги

Нобанк кредит ташкилотларининг жами даромадлари жорий йилнинг январь-март ойлари давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **141 млрд** сўмга (*47 фоизга*) ошиб, **443 млрд** сўм доирасида шаклланган. Жами даромадлар таркибида фоизли даромадлар **88 фоизга** (*389 млрд сўм*), хусусан ажратилган кредит ва лизинглардан олинган даромадларга (*384 млрд сўм*) тўғри келади.

Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотларининг жами харажатлари **81 млрд** сўмга (*47 фоизга*) кўпайиб, **255 млрд** сўмни ташкил этган. Жами харажатларнинг **45 фоизи** ёки **115 млрд** сўми фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (*83 млрд сўм*) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича фоиз тўловларидан иборат.

10-чизма

НКТнинг 2023 йил I чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари

(млрд сўм)

Даромадлар ва харажатлар таркиби	Жами	Микромолия ташкилотлари	Ломбардлар	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти
Фоизли даромадлар	389,0	278,6	46,3	64,1
Фоизли харажатлар	115,3	57,9	1,7	55,6
Фоизсиз даромадлар	54,0	40,8	11,7	1,5
Фоизсиз харажатлар	10,9	8,7	1,7	0,6
Бошқа харажатлар*	128,5	104,4	21,3	2,8
Соф фойда	188,4	148,5	33,3	6,6

*Бошқа харажатлар операцион харажатлар, солиқлар ва активлар бўйича яратилган захираларни ўз ичига олади.


Микромолия ташкилотларининг соф фойдаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **57 фоизга** ортиб, уларнинг активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси мос равишда **6** ва **13 фоизни** ташкил қилган.

Шунингдек, **ломбардлар** активлари рентабеллиги даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 фоиз бандга камайиб, **12 фоизни** ва капитал рентабеллик даражаси эса 0,6 фоиз бандга камайиб, қарийиб **14 фоизни ташкил этган.**

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан қарийиб **1,4 баробарга** ортган ҳолда, активлар рентабеллиги деярли ўзгаришсиз **0,3 фоиз**, капиталнинг рентабеллик даражаси эса 1 фоиз бандга ошиб, **5 фоиз** доирасида шаклланган.

11-чизма

НКТ активлари рентабеллиги (ROA)



12-чизма

НКТ капитали рентабеллиги (ROE)

